

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ФАЗЛИДДИНОВ БЕҲЗОД ҚУРВОНБОЕВИЧ

XX АСР ЎЗБЕК ФАЛСАФИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ШЕЪРИЯТИ
(Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор ва Рауф Парфи ижоди мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УЎК: 821.512.133-1(09)|19|(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Фазлиддинов Бехзод Қурвонбоевич

XX аср ўзбек фалсафий-интеллектуал шеърляти

(Гафур Гулом, Асқад Мухтор ва Рауф Парфи ижоди мисолида)3

Фазлиддинов Бехзод Қурвонбоевич

Ўзбекская философско-интеллектуальная поэзия XX века

(на примере творчества Гафура Гуляма, Аскада Мухтора и Рауфа Парфи) ..25

Fazliddinov Behzod Qurvonboevich

Uzbek philosophical and intellectual poetry of the XX century

(in the context of works by Ghafur Ghulom, Asqad Mukhtor and Rauf Parfi)49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ФАЗЛИДИНОВ БЕХЗОД ҚУРВОНБОЕВИЧ

XX АСР ЎЗБЕК ФАЛСАФИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ШЕЪРИЯТИ
(Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор ва Рауф Парфи ижоди мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.PhD/Fil.3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Наим Фатиҳович

филология фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Жўрақулов Узоқ Ҳайдарович

филология фанлари доктори

Тўлабоев Олим Олтинович

филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uzltafi@academy.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди. (2019 йил _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А. Назаров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, академик

Р. Баракаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

И.Ч. Ҳаққулов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси ўринбосари, филол.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX аср жаҳон адабиётида катта ўзгариш ва янгиланишлар даври бўлгани маълум. Бунинг ижтимоий, сиёсий ва маданий сабаблари кўплаб илмий ишларда кўрсатиб ўтилган. Ўтган юзйилликда, айниқса, шеъриятда башарият қисмати, инсон дардидан сўйловчи, чуқур мазмун, теран фалсафага йўғрилган нодир асарлар яратилганини алоҳида қайд этмоқ жоиз. Хусусан, бу даврда олам ва одам, ҳаёт ва ўлим, уруш ва тинчлик каби абадий муаммолар, инсоният тақдири, умр моҳиятидан баҳс этувчи фалсафий-интеллектуал лирика такомил топди.

Дунё адабиётшунослигида мазкур йўналишдаги шеърият тадқиқи изчил ривожланиб, тобора долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Бинобарин, адабиётдаги фалсафий-интеллектуал йўналишнинг тадқиқи фақат филология эмас, фалсафа, психология каби гуманитар илм соҳалари учун ҳам аҳамиятлидир.

XX аср ўзбек шеърияти, жаҳон адабиёти мезонларидан туриб қаралганда ҳам, жуда катта, мутлақо ўзига хос поэзия; дунё миқёсида яратилган лирика дурдоналари билан бўйлашгулик сара асарлар унда кўплаб топилади. Чўлпоннинг ижтимоий руҳ билан йўғрилган шеърияти, Усмон Носирнинг оташин битиклари, Ғафур Ғуломнинг фалсафий теран шеърлари, Ойбекнинг ўйчан ва сокин “соф” лирикаси, Мақсуд Шайхзоданинг зиёбахш ашъори, Миртемирнинг халқона манзумалари, Ҳамид Олимжоннинг жўшқин лирикаси, Асқад Мухторнинг фалсафий-интеллектуал миниатюралари, Эркин Воҳидовнинг нафис назмий наволари, Абдулла Ориповнинг ҳикматга эш шеърлари, Рауф Парфининг модерн шеърияти, Омон Матжоннинг тарихий тимсолларга бой поэтик олами, Шавкат Раҳмоннинг мардонавор шеърлари фикримизга далилдир. Юқорида номлари зикр этилган шоирлар янги ўзбек шеъриятининг шаклланиши, тараққий этиши ва такомилга улкан ҳисса қўшдилар. Таъкидлаш ўринлики, мустабид тузум даврида яратилган тадқиқотларда XX аср ўзбек адабиёти таҳлилига асосан ғоявий жиҳатдан, мафкура нуқтаи назаридан ёндашилиб, поэтик маҳорат қирраларига у қадар эътибор қаратилмаган. Янги ўзбек шеъриятининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти, поэтик жанрлар хилма-хиллиги, мазкур даврда етишиб чиққан авангард шоирлар ижодининг ўзига хос белгилари, адабиётимиз ривожига қўшган алоҳида ҳиссасини аниқлаш, поэтик маҳоратини ўрганиш, илмий-назарий хулосалар чиқариш ҳозирги адабиётшунослик эҳтиёж сезаётган ғоят муҳим масалалардандир. Шу маънода, XX аср ўзбек фалсафий-интеллектуал шеъриятини назарий асосда ўрганиш, поэтика нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва илмий жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати худди шу хусусиятлар билан белгиланади. Зеро, биринчидан, XX аср ўзбек фалсафий-интеллектуал шеъриятининг шаклланиши, тадрижи, тараққиёт тамойиллари, асосий хусусиятларини илмий тадқиқ этиш бу борадаги янгича қарашларга йўл очади, қатор тадқиқотларга замин ҳозирлайди. Иккинчидан, бу Ғ. Ғулом, А. Мухтор, Р. Парфи каби шоирлар ижодида фалсафий-интеллектуал йўналишнинг ўзига хос хусусият-

ларини белгилаб олиш ва шу асосда илмий хулосаларга келишга имкон яради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фалсафий-интеллектуал лирика тадқиқи дунё адабиётшунослик илмида у қадар янги мавзу бўлмаса-да, аммо ўзбек шеъриятига айнан шу аспектдан ёндашилган тадқиқотлар етарли эмас. Ушбу мавзуга доир тадқиқотлар асосан ўтган асрнинг 60-йилларидан кейин юзага кела бошлади. Е. Маймин, А. Павловский каби олимларнинг фалсафий лирикага доир асарлари билан бирга мавзуга бевосита ёки билвосита алоқадор қатор китоблар, диссертациялар ёзилди. Ҳозирги замон адабиётшунослигида И. Плеханованинг интеллектуал шеърият таҳлилига бағишланган тадқиқот ишлари ва китобларини таъкидлаб ўтиш жоиз¹.

Ўзбек адабиётшунослигида эса мазкур масалага бағишланган тадқиқотлар қаноатланарли даражада деб бўлмайди. Шу жиҳатдан, ўзбек фалсафий-интеллектуал лирикасининг илдизлари, тадрижий такомилли ва тараққиёт тенденцияларини илмий асосда ўрганиш адабиётшунослик учун муҳим аҳамиятга эга. XX аср ўзбек шеъриятининг шу йўналишдаги сара намуналари бу борада ўзига хос объект бўла олади. Умуман, XX аср ўзбек шеърияти мавзундарижаси, бадий-услубий ва жанр жиҳатларига кўра тадқиқ этилган. Бу

¹ Маймин Е.А. Русская философская поэзия. – М., 1976; Павловский А.И. Советская философская поэзия. – Л., 1984; Гинзбург Л. О лирике. – Л., 1974; Филиппова Г. Русская советская философская поэзия. Человек и природа. – М., 1984; Спивак Р. Русская философская лирика. Проблемы типологии жанров, – Красноярск, 1985; Руднев В. Морфология реальности, исследование по философии текста. 1996; Дмитровский А.З. Проблемы современной философской лирики: Автореф. дисс ... канд. филол. наук. – М., 1966; Смирнов В.П. Философская лирика в русской советской поэзии 50–60-х годов (Заболоцкий, Твардовский, Мартынов): Автореф. дисс ... канд. филол. наук. – М., 1988; Ларцев В.Г. Наука и советская поэзия: Автореф. дисс ... д-ра филол. наук. – Л., 1970; Костенко А. Нравственно-философские проблемы в лирике Л. Мартынова. Автореф. дисс... канд. филол. наук. М., 1989; Малюкова Л.Н. Русская философская лирика: генезис, проблематика, поэтика. Автореф. дисс ... д-ра филол. наук. – М., 2001; Плеханова И.И. Метафизическая мистерия Иосифа Бродского. Поэт времени. – 2-е, перераб. и доп. – Томск, 2012; Плеханова И.И. Интеллектуальная поэзия: Иосиф Бродский, Генрих Сапгир, Д. А. Пригов. – М., 2016.

жихатдан, айниқса, Ҳ. Ёқубов, О. Шарафиддинов, Н. Каримов, С. Мамажонов, Б. Акрамов, И. Гафуров, А. Шаропов, Б. Саримсоқов, И. Ҳаққулов, Н. Раҳимжонов, С. Мелиев, Я. Қосимов, У. Ҳамдамов каби адабиётшунос ва мунаққидларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Янги ўзбек шеърятини турли ракурсларда ўрганиш жараёнида қатор тадқиқот ишлари юзага келди².

Мазкур масаланинг айрим қирралари Ғ. Ғулом ижодига бағишланган тадқиқотларда озми-кўпми ёритилганига қарамай, махсус диссертация тарзида ўрганилган эмас. Шу пайтгача А. Мухтор ижодининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ қатор тадқиқотлар олиб борилди³. Аммо кўп ҳолларда бизнинг мавзуга доир масалалар умумий планда ўрганилди. Ушбу илмий иш А. Мухтор лирикасида фикр ва туйғу муносабати (рационаллик ва эмоционаллик), шоир фалсафий-интеллектуал шеърларида ҳаёт ва инсон муаммоси алоҳида тадқиқ этилгани билан улардан ажралиб туради. Р. Парфи шеърятини эса ҳамон етарлича таҳлил этилгани йўқ. Кейинги йилларда шоир ижоди ва ҳаёти бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Р. Парфи ижоди ва шахсиятига қардош халқлар, айниқса, турк адабиётшунос-тадқиқотчиларининг қизиқиши катта. Туркияда шоир ижодига бағишланган докторлик диссертацияси ёқланган, китоб ва мақолалар чоп этилган⁴, шеърлари таржима қилинган. Биз ўрганаётган муаммо Р. Парфи шеърятида алоҳида ҳодиса ўлароқ намоён бўлгани, умуман, шоир ижодининг адабиётшунослик учун очилмаган қирралари ҳали кўп эканини инобатга олган ҳолда диссертациянинг учинчи бобида Р. Парфи ижодига кенгроқ тўхталинди, шунга мувофиқ ишда кўпроқ жой ажратилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси

² Раҳимджанов Н.К. Тенденции развития современной узбекской поэзии (70–80-е годы): Автореф. дисс ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1989; Акрамов Б.А. Проблема поэтического образа в современной узбекской поэзии: Автореф. дисс ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1991; Каримов Н.Ф. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафқураси: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1994; Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърятинида психологик тасвир маҳорати: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. Тошкент, 1999; Ҳамдамов У.А. XX аср ўзбек шеърятини бадий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017; Каримов Н. Ҳамид Олимжон поэтик маҳоратининг баъзи масалалари: Филол. фан. канд. ... дисс. – Тошкент, 1962; Милиев С. Художественная функция слова в стихотворном контексте (на материале узбекской советской поэзии): Дисс ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985; Сабирдинов А. Ойбек шеърятинида сўз ва образ: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Алиев Б.Р. Ҳозирги замон ўзбек шеърятинида психологизм муаммоси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Қосимов Я. Ўзбек шеърятинида поэтик фикрнинг янгилаш жараёни: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Ҳамдамов У.А. 30-йиллар ўзбек шеърятинида “соф лирика” муаммоси (Ойбек шеърятини асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997; Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеърятинида образлилик: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Файзуллаева О.Х. Ҳозирги ўзбек шеърятинида сонет жанрининг бадий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011.

³ Тоғаев О. Асқад Мухтор. – Тошкент: Тошкент, 1966, Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги НМИУ, 2003; Сайимов Б. Асқад Мухтор маҳорати (сюжет ва композиция): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1966; Муминова С.А. Асқад Мухторнинг фалсафий-интеллектуал лирикаси. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008.

⁴ Hikmet Koray. Özbek Şairi Rauf Parfi. Kömen Yayınları, Konya, 2009.

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда ОТ-Ф1-77 “Ўзбек адабиёти дурдоналари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш (2017–2020 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср ўзбек фалсафий-интеллектуал лирикасининг тадрижи, шаклланиш омиллари, тараққиёт тамойилларини назарий асосда ўрганиш, ўзбек фалсафий-интеллектуал шеърияти такомиллида Ғ. Ғулом, А. Мухтор ҳамда Р. Парфи лирикасининг ўрни ва аҳамиятини белгилаш, ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фалсафий-интеллектуал лириканинг ўзига хос жиҳатларини XX аср ўзбек шеърияти мисолида ёритиш;

Ғ. Ғулом лирикасининг янги ўзбек фалсафий-интеллектуал шеърияти такомиллидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш;

А. Мухтор фалсафий-интеллектуал лирикасида фикр ва туйғу муносабати, ҳаёт ва инсон муаммоси талқинини очиб бериш;

Р. Парфи лирикасида фалсафий-интеллектуал йўналишнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш; шоир фалсафий-интеллектуал лирикаси такомиллида сўз, метафора ва образнинг тутган ўрнини белгилаш;

Р. Парфи шеърларида ижтимоий-руҳий ҳаётнинг бадий-фалсафий талқинини очиб бериш; шоирнинг тарихий шахсларга бағишланган шеърларида давр муаммоларининг лирик қахрамон руҳиятидаги ифодаси талқинини ёритиш;

фалсафий-интеллектуал шеърларда адабий анъаналарга муносабат, ижодкор дунёқараши ва салоҳияти билан алоқадорлик масалаларини очиб бериш;

XX аср ўзбек фалсафий-интеллектуал шеърияти мисолида шу давр ўзбек бадий тафаккурига умумий баҳо бериш.

Тадқиқот объекти сифатида Ғ. Ғулом, А. Мухтор ва Р. Парфи асарлари, шунингдек, мавзу талаби билан бошқа шоирларнинг фалсафий-интеллектуал шеърлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини XX аср ўзбек фалсафий-интеллектуал шеърияти тадрижий такомиллини Ғ. Ғулом, А. Мухтор, Р. Парфи каби шоирлар асарлари асосида ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, биографик, психологик, социологик, лингвистик, қиёсий-типологик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

фалсафий-интеллектуал шеъриятнинг шаклланиши ва ривожланиши замон ҳамда ижодкор шахс муносабати, ижтимоий-маданий ўзгаришлар, поэтик тафаккурдаги эврилишлар, бадий идрокда индивидуалликнинг кучайиши каби омиллар мисолида очиб берилган;

Ғ. Ғулом фалсафий-интеллектуал лирикаси ижтимоий-тарихий шароит таъсирида такомиллашгани, фалсафийлик ва халқчиллик шоир шеъриятининг халқ қисмати, халқ тафаккури билан уйғунлашувида акс этгани асосланган;

А. Мухтор шеърлярида фикр ва туйғу муносабати очиб берилган, шоир шеърлярида фикр доминантлик қилиши исботланган;

Р. Парфи фалсафий-интеллектуал лирикасининг бош белгиси метафорик тафаккур экани аниқланган, шоирнинг турли йилларда ёзилган шеърляри таҳрир вариантлари ўзаро қиёсланган ва хулосалар далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XX аср ўзбек фалсафий-интеллектуал шеърлярининг тадрижий ривожланиш хусусиятлари белгиланган;

Ғ. Ғулом шеърининг мероси давр ва мавзу нуқтаи назаридан таснифланган, уруш йилларида шоир фалсафий лирикаси такомиллашгани асосланган;

А. Мухтор шеърляри насрий, адабий-танқидий ва бадиий-публицистик асарлари билан уйғунликда кўриб чиқилиб, шоир шеърлярида фикр устунлик қилиши далилланган;

Р. Парфи лирикасининг асосий белгилари кўрсатилган, ўрни билан шоир поэтик маҳорати очиб берилган; шоир шеърлярининг таҳрир вариантларига доир хулосалар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ҳамда қўлланган усулларнинг илмий иш мақсадига мослиги, танлаб олинган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, муаммо аниқ қўйилиб, фикр ва хулосалар асослангани, ишончли илмий адабиётлардан фойдаланилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда чиқарилган назарий хулосалар адабиётшунослик, хусусан, шеършунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, лирикани мазмун-моҳиятига кўра таснифлашда мавжуд қарашларни тартибга келтиришда кўмак бўлиши, XX аср ўзбек фалсафий-интеллектуал шеърлярининг тадрижий такомиллиги очиб берилгани билан белгиланади.

Тадқиқот мазмуни ва материалларидан олий ўқув юртлирида ўзбек адабиёти бўйича махсус курс ўтишда, маърузалар ўқишда, дарслик, ўқув қўлланмалари ҳамда дастурлар тузишда, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари ёзишда, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Ғ. Ғулом, А. Мухтор, Р. Парфи ижодиётини ўрганишда кенг фойдаланиш мумкинлиги унинг амалий аҳамиятини кўрсатади. XX аср ўзбек шеърлярининг айрим намоёндалари мисолида олиб борилган ушбу иш истиқлол йиллари яратилган фалсафий-интеллектуал шеърларни яхлит тарзда ўрганиб, ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи бошқа тадқиқотларга ҳам асос бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср ўзбек фалсафий-интеллектуал шеърлярининг тадрижий ривожланишини очиб бериш масаласига доир тадқиқотдан олинган натижалар қуйидаги ишларда жорий этилган:

Ғ. Ғулом ва А. Мухтор ижодида Вақтнинг бадиий-фалсафий талқини, Р. Парфи ва А. Орипов шеърлярида шамол образининг ўзига хос жиҳатларини асослаш билан боғлиқ илмий хулосалардан Ўзбек тили, адабиёти ва

фольклори институтида бажарилган ФА-Ф1-Г040 “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2019 йил 27 февралдаги 3/1255-530-маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини қўллаш жаҳон адабиётига хос турли поэтик изланишлар таъсирида ўзбек адабиёти янги метафора ва образлар билан бойигани ва бу ҳол, адабиёт, айниқса, шеърият тараққиётига хизмат қилганини илмий асослашга кўмаклашган;

Р. Парфининг тарихий шахсларга, хусусан, Абдулла Қодирий хотирасига бағишланган “Она Туркистон” шеърида лирик қаҳрамон руҳиятида акс этган давр муаммолари ифодаси ва Қодирийнинг “Аҳволимиз” ғазалига Р. Парфи мухаммаси таҳлиliga доир изланишлар натижаларидан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида олиб борилган ФА-Ф1-Г039 “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” фундаментал лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2019 йил 27 февралдаги 3/1255-530-маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш ижодкор шахс ва замон муносабати муаммолари билан боғлиқ илмий хулосалар билан бойитилишига хизмат қилган;

илмий иш натижаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалидаги “Оқшом гурунглари” ва “Бир асар таҳлили” дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 8 ноябрдаги 01-16/518-маълумотномаси). Жумладан, “Оқшом гурунглари” кўрсатувининг замонавий ўзбек шеърияти, оммавий маданият ва ёшлар маънавиятига бағишланган сонида ўзбек адабиёти, хусусан, ХХ аср ўзбек фалсафий-интеллектуал шеъриятининг адабий-ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни, ёш авлоднинг руҳий-маънавий камолотидаги аҳамияти каби масалаларни ёритишда диссертация натижалари назарий асос бўлиб хизмат қилган. Натижада кўрсатувлар мазмунан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларидаги маърузаларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналда чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган, ҳажми 162 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тав-

сифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Фалсафий-интеллектуал лирика спецификаси. XX аср ўзбек фалсафий-интеллектуал шеърляти такомилли”** деб номланади. Мазкур боб биринчи фаслида фалсафий-интеллектуал лириканинг ўзига хос хусусиятлари назарий манбалар асосида ўрганилиб, қуйидаги масалалар кўриб чиқилади: 1) лирикани мазмун-мундарижасига кўра таснифлаш ва уларга муносабат; 2) фалсафий лирика → интеллектуал лирика → фалсафий-интеллектуал лирика тушунчалари; фалсафий-интеллектуал лирика табиати ва ўзига хослиги; 3) фалсафий-интеллектуал шеърлятга доир назарий фикрлар, адабиётшунос-мунаққидларнинг турли қарашлари бўйича баҳслар; 4) фалсафий-интеллектуал лирикада фикр ва туйғу муносабати – рационаллик ва эмоционаллик.

“Фалсафий-интеллектуал лирика” тушунчаси шеър (умуман, поэзия) такомилли, шеърлят ҳақидаги қарашларнинг ўсиб-ўзгариши билан боғлиқ ҳолда илмий муомалага кириб келмоқда. Адабиётшунослик илмида лирика жанрларини мавзу доираси, мазмун-моҳиятига кўра таснифлаш анъанаси мавжуд. Соҳага доир турли манбаларда “интим лирика”, “пейзаж лирикаси”, “гражданлик лирикаси”, “фалсафий лирика”, “сиёсий лирика”, “интеллектуал лирика” каби истилоҳлар қўлланилиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари кўпроқ обзор тарзида берилган. Адабиёт назариясига оид баъзи манбаларда лирика мазмунига кўра қуйидаги 5 турга ажратилиши айтиб ўтилади: 1) медитатив лирика; 2) ҳикоялашга асосланган (повествовательная) воқеабанд лирика; 3) тавсифий (описательная) лирика; 4) персонажли лирика; 5) мажозий (кўчма маъноли) ва рамзли (символик) лирика⁵. Ўз навбатида, ушбу таснифлар шартлилиги таъкидланади, чунки бу кўринишлар бир-биридан озикланади, бирининг айрим хусусияти муайян даражада бошқасига ўтади. Айрим манбаларда “туйғулар лирикаси”, “фикрлар лирикаси”, “тасвирий лирика”, “баёний лирика” каби турларга ажратилади⁶. Ижтимоий-публицистик лирика, интим лирика, рамзий лирика, воқеабанд лирика ва ҳажвий лирикага ажратганлар ҳам бор⁷. Баъзи адабиётшунослар лирикани медитатив лирика, тавсифий-тасвирий лирика, персонажли лирика ва баёний лирикага ажратиб ўрганишни тавсия қиладилар⁸. Лирикани бундай ажратишни ёқламаганлар ҳам бор. Масалан, И. Султон “Адабиёт назарияси”да “Шеърлий маҳсулотни шартли равишда “сиёсий лирика”, “ишқий (интим) лирика” ва шунга ўхшашларга ажратиш ҳам учрайдики, буни илмий асосга эга деб ҳисоблаш қийин”,

⁵ Қаранг: Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). 3 жилдлик. Жилд 2. Лирика. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 13–23.

⁶ Введение в литературоведение. – М., 1976. – С. 217–218.

⁷ Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – Б. 96.

⁸ Поспелов Г. Н. Лирика среди литературных родов. М., 1976. – С. 62–177.

дея қайд этади⁹. Баъзи адабиётшуносликка доир китобларда ҳам шу мазмундаги фикрни учратамиз. Ишда имкон қадар шундай қарашлар ўрганилиб, уларга муносабат билдирилди.

Истиклол даври адабиётшунослигида лирикани шеърий жанрлар нуқтаи назаридан автопсихологик лирика (унинг кўринишлари сифатида медитатив лирика ва интеллектуал лирика), ижровий лирика, тавсифий лирика, воқеабанд лирика каби турларга ажратиш таклиф этилади¹⁰. Рус адабиётшунослигида “философская лирика”, “поэзия мысли”, “интеллектуальная лирика”, “научная поэзия” каби терминларни учратамиз. Рус фалсафий лирикаси бўйича тадқиқот олиб борган Е. Маймин “фалсафий поэзия” атамаси ўз моҳиятига кўра турғун эмаслиги ҳамда тарихий контекстдан ташқарида олиб қаралганда шартли маънога эга эканини таъкидлайди¹¹. А. Павловский “фалсафий шеърият” тушунчасининг аниқ ва етарлича асосланган таърифи йўқлигини қайд этар экан, адабий танқидчилик ва адабиётшунослик истеъмолида фалсафий шеърият кўпинча илмий ёки интеллектуал поэзия билан қориштириб юборилишини айтиб ўтади¹².

Ўзбек адабиётшунослигида фалсафий лирика бўйича Н. Раҳимжоновнинг изланишлари эътиборга молик¹³. Олим ўзбек поэзиясида том маънодаги фалсафий лирика тенденция сифатида асосан 60-йиллардан бошлаб бўй кўрсатганини таъкидлайди. Ушбу лириканинг аввалги босқичларда муайян даражада мавжуд эканини ҳам инкор этмайди. О. Шарафиддинов “Замон – Қалб – Поэзия” китобида бундай ёзади: “Баъзилар поэзиянинг интеллектуаллиги деганда, ғоят мураккаб ташбеҳларни, англаш қийин бўлган поэтик образларни, бениҳоя мавҳум фикрларни тушунишади. Менимча, бу тўғри эмас. Чинакам интеллектуаллик ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаларнинг чуқурлиги ва оригиналлигида кўринади. Интеллектуаллиқнинг чуқурлашиши поэзияда фалсафий лириканинг кучайишига, ўткир умумлашмаларнинг кўпайишига сабаб бўляпти”¹⁴. Мунаққид интеллектуаллиқни фалсафийликни юзага келтирувчи омиллардан бири сифатида кўради. Ёки бошқача қилиб айтилса, бир-бирини тақозо этувчи бу феноменлардан интеллектуаллик – *сабаб*, фалсафийлик эса *оқибат* мақомидадир. Танқидчи назарда тутган *ўткир умумлашмалар* фалсафий-интеллектуал шеърларнинг ўқ томири, дейиш мумкин. Яъники, бундай шеърларда интеллект ёки фалсафа умумлашма, ўткир умумлашма тарзида берилади.

Фалсафий-интеллектуал шеърият – лириканинг мазмун (проблематика) жиҳатидан алоҳида тури ҳисобланиб, у олам ва одам муносабатларининг тақдир, ҳаёт, муҳаббат, ўлим каби абадий муаммолари хусусида теран билимга таяниб мушоҳада юритишдан ҳосил бўлади. Бунда одатда *ҳиссий идрок* билан боғлиқ бўлган эстетик завқ *ақлий идрок* воситасида юзага келади. Фалсафий-интеллектуал шеърият бадиий ва илмий тафаккур кесишган нуқта-

⁹ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 256.

¹⁰ Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Xalq merosi nashriyoti, 2004. – В. 186.

¹¹ Маймин Е.А. Русская философская поэзия. – М.: Наука, 1976. – С. 3.

¹² Павловский А.И. Советская философская поэзия. – Л.: Наука, 1984. – С. 3.

¹³ Қаранг: Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Тошкент: Фан, 1979.

¹⁴ Шарафиддинов О. Замон – Қалб – Поэзия. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. – Б. 187.

да пайдо бўлади. Фалсафий-интеллектуал лириканинг шаклланиш омиллари нималарда кўринади? Биз буни асосан қуйидаги омиллар билан боғлиқ деб ўйлаймиз: 1) глобаллашув жараёнида замон ва инсон (жумладан, ижодкор шахс) муносабатлари; 2) ижтимоий-иқтисодий бухронлар; 3) фан-техника тараққиёти ва маданий янгиланишлар; 4) маънавий таназзул аломатларини ифодаловчи воқеа-ҳодисалар; 5) фалсафий-илмий дунёқараш мавқеининг ортиб бориши; 6) ижодкор (шоир) руҳиятидаги эврилишлар, поэтик тафаккуридаги ўзгаришлар; 7) ҳаётни бадий идрок этиш ва ижодий қайта яратишда индивидуалликнинг кучайиши; 8) шахс маънавий дунёсида ахборот ва билимнинг аҳамияти ошиши... Албатта, бу омиллар рўйхатини тўлдириш ёки ўзгартириш мумкин. Тадқиқотда турли объектлар мисолида ушбу омилларга кенгроқ тўхталиб ўтилган. Фалсафий-интеллектуал лирикада фикр ва туйғу муносабатини қуйидагича кўрсатиш мумкин: а) фикр ҳисга нисбатан етакчи ўринда туради; б) туйғу ёрдамчи унсур ролини ўйнайди.

Янги ўзбек фалсафий-интеллектуал шеърляти ривожига Ғ. Ғулом лирикасининг алоҳида ўрни бор. Шу боис биринчи бобнинг иккинчи фаслида Ғ. Ғулом шеърлятининг айрим хусусиятлари, шоир фалсафий-интеллектуал лирикасининг ўзига хос жиҳатларига кенгроқ тўхталинди.

Ғ. Ғулом дастлабки ижод намуналари билан мавжуд тузум йўриғига мослашиб, тарғибот-ташвиқот руҳидаги шеърлар битган бўлса-да, айниқса, уруш йилларида шоир ижодида кескин бурилиш юз берди. Бу “Кузатиш”, “Сен етим эмассан”, “Соғиниш” каби шеърларида яққол кўзга ташланади. Эндиги шеърларда тузумнинг “порлоқ” ғояларини жўшиб-тошиб қуйлаётган жарчи-лаббайчи ўрнини бедор дунё тақдиридан изтиробга тўлиб баҳс юритаётган, жабрдийда эллар тимсолида бутун башариятга ёруғ қисмат соғиниб ўртанаётган дардчил Инсон эгаллади. Шу тариқа кечагина трактор тириллаши эшитилиб турадиган шўро шеърлятида мураккаб дунё зиддиятлари, замон эврилишлари, муқаддас қадриятлардан баҳс этаётган, умр моҳияти ҳақида мулоҳаза юритаётган – *фикрлаётган Инсон* образи бўй кўрсата бошлади. Бунда Ғ. Ғуломнинг юқорида зикр этилган лирик дурдоналари алоҳида ўрин тутди. Айниқса, шу даврда шоир ижодида фалсафийлик ва халқчиллик бўртиб кўриндики, бу унинг яратган образларидагина эмас, дардига мос, мақбул тушган халқона ифода усулида, лирикасининг халқ қисмати ҳамда халқ руҳи билан уйғунлашувида намоён бўлди.

Шоирнинг урушдан кейин ёзилган шеърларида ҳам бир муддат ана шу тиниқ ҳассос руҳ сақланиб турди, хатто “Вақт” шеъри мисолида янада тетиклашди. Лекин урушдан кейинги, янги ҳаёт ва меҳнат таъриф-тавсиф этилган шеърларида биз юқорида айтиб ўтган лирик қаҳрамон “йўқолиб” қолгандек таассурот уйғотади. Энди унинг ўрнини янги ҳаётга мослашган, кундалик ташвишларга ўралашиб бораётган бошқа “қаҳрамон” эгаллайди. Бу “янги қаҳрамон”нинг деярли эгизагини шоирнинг 30-йиллардаги ижод намуналарида ҳам учратамиз. Интеллектуаллик – жаҳон халқлари тарихи ва маданиятини чуқур билиш, замонавий фаннинг барча асосий йўналишларидан хабардор бўлиш, воқеа-ҳодисалардан умумлашма хулосалар чиқара олиш дегани ҳамдир. Бу жиҳатлар Ғ. Ғулом лирикасида ўзига хос йўсинда намоён

бўлади. М. Шайхзода таъбири билан айтганда, Ғ. Ғулом “жаҳонни қалби билан ҳис этиб, тарих томиридаги қоннинг тепишини (набзини) бехато сезиб туради”.

Ғ. Ғуломнинг шох шеъри – “Вақт” кўпгина адабиётшунослар томонидан таҳлил этилган. Ўз даврида Ҳ. Ёқубов бу шеърда шоир янги эстетик завқнинг моҳиятини очгани, гўзалликни ижодкорлик, кураш билан белгилашини тўғри қайд этгани ҳолда, “Вақт”ни фақат совет кишисининг “баҳодирона”, “олижаноб” руҳи билан боғлайди, яъни шеърни бирёқлама талқин этгандай таассурот қолдиради¹⁵. С. Мелининг “Ғ. Ғулом: вақт фалсафаси” мақоласида ушбу шеър биз ўрганаётган илмий муаммо доирасида таҳлил этилади¹⁶.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**А. Мухторнинг фалсафий-интеллектуал шеърляти**” деб номланади. Унинг биринчи фаслида шоир лирикасида фикр ва туйғу муносабати: рационаллик ва эмоционаллик масаласи ўрганилади.

Фикр ва туйғу уйғунлиги лириканинг барқарор қонунларидан. “Бадиий асарда маънавийлик билан ҳиссийлик уйғунлашмоғи керак”, – дейди Ҳегел¹⁷. Мазкур фикр лирик асарга ҳам тааллуқли. Энг асосийси, шеърда бу икки муҳим унсур орасидаги мувозанат йўқолмаслиги керак. Аммо фалсафий-интеллектуал шеърларда тарози посангиси кўпроқ фикрга ён беришини ҳам инкор эта олмаймиз. И. Султон “Адабиёт назарияси” дарслигида лирикада ҳар қандай ҳис ва фикрлар эмас, балки “хос ҳол” ва “хос маъно” инъикос топишини айтади¹⁸. Олим таъкидлаган “хос ҳол” – ўткир ва нодир кечинма, руҳий ҳолат, “хос маъно” – фикрларнинг қаймоғи, маънолар гавҳари демакдир. Бадиий асарда, инчунун, шеърда фикр ва ҳиссиёт ҳамиша бир-бирини тўлдиради: баъзан ақл туйғуларни йўлга бошлайди, гоҳида ҳиссиёт онг илғаб етмаган ҳодисотни англаб етишга кўмаклашади. Чунки “туйғулар, ҳислар шундай хотирага ҳамда доноликка эгаки, кўпинча айни шу хотира ва донолик совуқ ақл-идрокимизга етишмай қолади”¹⁹.

А. Мухтор ижодида шеър фақат инжа туйғуларнинг нозик ифодаси, кўнгил рози, қалб кечинмалари эмас, ҳиссий тафаккур, кўнгил фалсафаси, фикрнинг туйғуларга ўралган гўзал суврати – бадиий ифодаси сифатида бўй кўрсатади. А. Мухтор таъбирича, шеър: 1) турмуш ўчоғидан олинган лахча чўғ; 2) ялт этган оний туйғу, завқ-шавқ туғёни, уни фақат мусиқа жанрлари билан қиёс қилиш мумкин; 3) ҳаёт фалсафасининг квинтэссенцияси, фикр, фикр, фикр!²⁰ Шоирнинг ўзи иқроп бўлганидек, йиллар давомида шеър, унинг ифода шакллари, воситалари, усуллари, руҳи ҳақидаги фикрлари жуда кўп ўзгарди. А. Мухтор ижодий тақомилида унинг ушбу таърифларига мос кўплаб шеърлар яратилди. Аммо уларнинг барчасида фикр юзага қалқиб чиқаверди. Бу билан А. Мухтор шеърлари фақат фикр назмга солинган наму-

¹⁵ Қаранг: Ёқубов Ҳ. Адабий мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. – Б. 178–180.

¹⁶ Сувои Мели. Ғафур Ғулом: вақт фалсафаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, 3-сон. – Б. 15-23.

¹⁷ Гегель В. Ф. Эстетика ёхуд санъат фалсафаси ёхуд бадиий ижод фалсафаси. Жилд 1. – Тошкент, 2011. – Б. 34.

¹⁸ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 252.

¹⁹ Стоун И. Биографик қисса ҳақида / Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 98.

²⁰ Асқад Мухтор. Шеърлар. – Тошкент: Тошкент, 1966.

налардан иборат, деган хулосага келмаслик керак. Шоир таъкидлаганидек, фикрсиз поэзия йўқ. Таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай шеър бағрида фикр юлдузи яшайди; бир шеърда бу юлдуз порлаб туради, қай биридадир милтиллайди, бошқасида элас-элас кўзга ташланади.

А. Мухтор шеърий ижодининг салмоқли қисмини фикрчан шеърлар ташкил этади:

*Инсонликнинг маъноси ўзгарди,
Оламнинг жозоба қонуни янглиғ:
Қўшнилари умрини қисқартар дардинг,
Бахтинг ҳам бировнинг бахтига боғлиқ.²¹*

Шеърнинг илк сатриёқ шоирнинг оламини идрок этишдаги янги тафаккури, ўзига хос дунёқарашидан дарак бермоқда. Шеър давомини ўқир эканмиз, унда ҳис-туйғудан кўра *фикр* устун турганини сезамиз. А. Мухторнинг тўртлик шаклидаги шеърларида бирор фалсафий фикр, ҳикматли сўз айтишга мойиллик сезилади. Бу табиий, албатта. Шарқ мумтоз шеъриятидаги рубойий ёки қитъаларни ёдга олсак, уларнинг асосий хусусияти ихчам шаклга катта фалсафий фикрни сингдириб юбориши билан ҳам белгиланади. Рубойий, Ғ. Ғулом таъбири билан айтганда, “олам-олам мазмунларнинг жавҳарини йиғиб тўрт сатрга сиғдира олиш маҳоратидир. Қатрада океан, учқунда куёш мазмунини бериш рубойийга хос хусусиятдир”²².

А. Мухторнинг “Тонг эди...”, “Баҳор булутлари хўмрайган, пахмоқ...”, “Эслаб ёшлигимни...”, “Кузги еллар, хазонрез еллар...”, “Баъзан ҳижрон сатрларин кўриб...”, “Йўлда” сингари сарин мусиқийлик билан йўғрилган шеърларида ҳис-туйғунинг сезимли навосини эшитгандай бўламиз. Шоирнинг пейзаж шеърларида (“Қиш баҳорга ошиқ бўлиб қолди...”, “Йўлда”, “Яйлов тонги” каби) *туйғу* биринчи планга чиқади. А. Мухтор ижодида воқеабанд, дидактик характердаги шеърлар кўп. Уларни шоир “қиссадан ҳисса” усулида тақдим этади (“Бир туп ўрик”). Ҳаётий-реал тафсил А. Мухтор шеърларида ҳис-туйғулар таъсирчанлигини оширувчи муҳим жиҳатдир.

А. Мухторнинг фалсафий-интеллектуал шеърлари, аввало, ақлда акс садо беради, онгни безовта қилади. Шу тарзда тафаккур чиғириғидан ўтгандан кейин кўнгилга йўл олади. Ушбу фалсафий-интеллектуал шеърлар маънавий бедор шахснинг онгу шуури, зехну идрокидаги туғёнлар ҳосиласидир. Шу тарзда А. Мухторнинг фалсафий-интеллектуал шеърларида олим, ёзувчи, шоир, санъаткор, умуман, зиёли шахснинг нигоҳи синтези акс этади.

Бобнинг иккинчи фаслида А. Мухтор шеъриятида ҳаёт ва инсон муаммосининг лирик-фалсафий талқини таҳлилга тортилади. Шоир фалсафий-интеллектуал лирикасида ҳаёт фалсафаси ўзига хос бадиий талқин этилади. Умр сўқмоқлари – давр тўлғоқлари – йиллар сўроқлари. Бу уч компонент А. Мухтор шеърий ижодида муҳим маъно-мазмунга эга. Шеърдан шеърга ушбу тушунчалар моҳияти турли йўсинда очилиб, ойдинлашиб боради. А. Мухтор шеърларида некбинлик – оптимистик руҳ кучли. Ҳаётсеварлик –

²¹ Асқад Мухтор. Асарлар. 4 жилдлик. Жилд 4. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 89.

²² Ғафур Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент: 1971. – Б. 417.

шоир лирик қаҳрамонининг бош фазилатларидан. Шоир наинки кўпчиликка маълум нарсаларнинг ҳеч ким илғамаган қирраларини очади, балки улардан ҳаётий ҳикматлар топади. “Ҳаёт шундай ажойиб мўъжизаки, ўлим унинг эвазига берилган арзимас бождир”, деб ёзади А. Мухтор “Тундаликлар”ида (13). Унинг худди шу мазмундаги тўртлиги ҳам бор:

*Ҳаёт шундай мўъжизаки,
Қанча жабрин тортсанг оз.
Ўлим эса унинг учун
Арзимас бождир, холос.*

Шоир ўзи бадиий жиҳатдан заифроқ деб ўйлаган, “ақлли” шеърларини кейинчалик фикраларга – ҳикматга мойил, муҳим бир мавзудаги фикрларга айлантирган кўринади. Умуман, умр моҳияти, ҳаёт маъносини, инсоннинг макон ва замондаги ўрнини англаш, идрок этишга уриниш, бу борадаги фикрларни бадиий-фалсафий талқин қилиш фалсафий-интеллектуал лириканинг асосий хусусиятларидан ҳисобланади. А. Мухтор шеърларида эса бу жиҳат бўртиб туради. А. Мухтор шеърлари инсон умрининг лаҳзаларга сочилиб ётган моҳияти ҳақида баҳс этади. Бу “Йилларим”, “Сирли нидо”, “Қайтаман кечирган куним...” каби шеърларида равшан кўринади. Шоир бадиий тафаккури жаҳон миқёсидаги оламшумул воқеалар таъсирида янада теранлашди. Бу эса, айниқса, шоир лирик қаҳрамонининг руҳий олами талқинида ўз ифодасини топди. Ҳаёт – замон – инсон учлиги мужассамлашган, ҳаётдан, воқелиқдан олган таассуротлари муҳим фалсафий хулосалар тарзида шеърда акс этиб, бу ҳол шоир поэтик маҳорати ўсишида катализатор бўлди.

Ғ. Ғулом ва А. Мухторнинг “Вақт” сарлавҳали шеърларини қиёсий ўрганиш асосида шу фикрга келдикки, икки шоирнинг Вақтга муносабати, Вақт тушунчасини бадиий-фалсафий идрок этишда ўзига хос қарашлари бор. Ўйлашимизча, икки закий ижодкор талқинидаги фарқ шуки, Ғ. Ғулом шеърда Вақтдан Инсонга қараб борса, А. Мухтор Инсондан Вақтга қараб боради. Ғ. Ғулом инсон қудратини Вақт билан ўлчаса, А. Мухтор Вақтни инсон измига топширади: “Вақт инсонсиз ҳеч нарса!” дея хулоса қилади. Аслида, Ғ. Ғулом ҳам Вақтни инсондан айри тушунмайди, аксинча, инсонни Вақтнинг ижодкори деб билади. Лекин Ғ. Ғулом шеърда инсон Вақтнинг ичида ҳаракат қилади. Ғ. Ғуломда инсон ва унинг ижодкорлик қудрати шеър тағқатламига сингдириб юборилган. Бу каби жиҳатлар ўзбек лирикасининг шаклдагина эмас, фикрда ҳам янгилашиб бораётгани белгиси эди.

А. Мухтор инсонни “асрий зулматларда бир ёруғ нукта” деб атайди (“Инсон”). Шоир тасавуридаги инсон маънавий-интеллектуал жиҳатдан етук бўлиш билан бирга, давр дарду ташвишлари билан яшаши, ижтимоий фаол бўлиши шарт. Унинг лирик “мен”ида “фазл ва камолга майл” бениҳоят кучли. Шу ўринда Р. Парфининг мана бу фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “А. Мухтор ижодиёти кўзгусида авлиё Зардўштий, Конфуций, Дао, Муҳаммад алайҳиссалом, Исо алайҳиссалом, Баҳовуддин Нақшбанд таълимотларининг бадиий савлати юз кўрсатади. Бу инъикос у ёки бу даражада бўлишидан қатъи назар, Инсон ва инсонийлик, Инсон бахти учун кураш ғояси билан су-

форилгандир”²³. “Адабиёт фан-техника инқилоби даврида ҳам инсон билан иш кўриши керак, – дейди А. Мухторнинг ўзи. – Экзюпери мактаган самолётлар ҳозир ҳеч нарсага ярамай қолди. Лекин Митти Шаҳзодаси ҳали узоқ яшайди” (“Тундаликлар”, 5).

Шоир шеърлари кўп жихатдан ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдиради. Чунончи, унинг гўзаллик борасидаги фикрлари ҳам шеърдан шеърга “кўчиб”, ривожланиб боради. А. Мухтор шеърларида ахлоқ, гўзаллик муаммоларига катта эътибор қаратади. Шоирнинг “гўзаллик фалсафаси” моҳиятини мухтасар тарзда шундай изоҳлаш мумкин: гўзаллик бу – инсонийлик. “Одам қалбидаги гўзаллик туйғуси мўъжизалар мўъжизаси эканки, усиз инсон инсон эмасдир”, деб ёзган эди адиб “Чинор” романида. “Шубҳа йўқки, гўзаллик ҳиссини ривожлантириш – уйғун камол топган шахс тарбиясининг ажралмас қисми. Гўзаллик зарурийдир”, дейди Робиндранатх Тҳакур. Улуғ ҳинд адабининг фикрича, гўзалликни фақат ҳиссий идрок этиш мумкин эмас: “Гўзаллик фақат кўз учун манзара бўлиш ҳолатидан то ақл учун озуқага айланиш даражасига кўтарилмагунча муҳимлик касб этолмайди. Ақл учун ана шу озукани ола билиш – алоҳида тарбиянинг иши. Зеро, ақл жуда кўп босқичларга эга. Агар танқидий ақл ҳиссиёт билан ёнма-ён турса, бизнинг қувваи ҳофизамиз кенгайди, яна ҳам узоқни кўра оламиз. Агар бизнинг қарашимиз юксак ахлоқий идеаллар билан нурланган бўлса, бундай руҳланган нигоҳ чегара билмайди”²⁴. А. Мухторнинг энг сара асарларида ақлга озиқ бергувчи ана шундай гўзалликни кўрамиз.

Даврдаги ўзгаришлар, замонасининг муаммолари А. Мухтор ижодида сезиларли из қолдирди. Агар бугуннинг нуқтаи назари билан таҳлил этиладиган бўлса, шоирнинг кўп шеърлари “ғалвирдан тушиб қолиши” аниқ. Бирок, адабиётда бош мезон асар бадиияти, тили ва услуби эканини инобатга оладиган бўлсак, унинг ҳали узоқ яшайдиган шеърлари ҳам кўп.

Учинчи боб **“Рауф Парфининг фалсафий-интеллектуал лирикаси”** деб аталади. Унда шоир шеърятининг асосий белгилари, фалсафий-интеллектуал лирикаси такомилда сўз, метафора ва образнинг ўрни, ижтимоий-рухий ҳаётнинг бадиий-фалсафий талқини тадқиқ этилади.

Р. Парфининг илк шеърлари кўнгил шеърятини намуналари бўлса, 80-йиллардан кейинги шеърларида фалсафий-интеллектуал йўналиш устунлик касб этди. “Ёмғир ёғар...”, “Қандай гўзал, қандай ложувард...”, “Кундуз ўйга чўмар...”, “Мудрар ярим кеча уйқуда...”, “Дилгир мусиқа оқарди...”, “Бул хафа кеча кечар...” каби шеърларида туйғулар, эҳтирослар дарёси тўлиб-тошиб мавж урса, кейинчалик безовта руҳ, тафаккур туғёнлари шоир шеърятини етакчилик қилиб, катта ижтимоий-фалсафий хулосаларни шеърга сингдириб юбориш руҳи кучайди.

Р. Парфи шеърларида шакл-ифода билан баробар фикр ҳам мураккаблаша борди. Бу шоир тафаккуридаги кескин ўзгаришлар, ижтимоий ҳаётдаги

²³ Рауф Парфи. Энг маданиятли адиб / Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 169.

²⁴ Қаранг: Абдулла Шер. Адибнинг гўзаллик фалсафаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2001, 21-сон. – Б. 3.

зиддиятлар билан боғлиқ, албатта. Қолаверса, жаҳон адабиётини симириб мутолаа қилиш, хорижий ўлкаларга ижодий сафар (хусусан, Болтиқбўйи сафари) шоир камолотида ўзига хос босқич бўлди; изчил изланишлар самараси ўлароқ дунё шеърятининг илғор тажрибаларини миллий адабиётимиз анъаналари билан синтез қилиб, бадиий баркамол шеърлар яратди. Р. Парфи ижодидаги бу “ўсиш”, аниқроғи, шеърларнинг интим ҳислар доираси қобиғини ёриб, катта миқёсдаги фикрларга кўчиб ўтишида, аввало, миллий адабиётимиз, хусусан, жаҳид адабиётининг пешволари кучли таъсир кўрсатди. Шоир жаҳидларни, айниқса, Чўлпонни севиб ўқиди, ундан шахсият бутунлиги, миллатпарварликни юқтирди, шеър бағрига кўнгил туғёнлари билан бирга ижтимоий дардни жо қила билишни ўрганди. Бунда уни болаликдан тарбия этган илк устози А. Водилий сабоқлари ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади. Замонавий турк шеърятдаги озод руҳ садолари, Нозим Ҳикматнинг сарбастдаги наъралари ҳам Р. Парфига жиддий таъсир ўтказди. Шоир “Инсон манзаралари”ни таржима қилди²⁵. Н. Ҳикмат асарлари умумий руҳига сингган озодлик, шахс эркинлиги, ижод ва эътиқод бутунлиги, инсонпарвар ғоялар тараннуми Р. Парфига алоҳида таъсир этди... Булар Р. Парфи ижодида из қолдирибгина қолмай, уни ижодкор ва инсон сифатида бутунлай ўзгартириб юборди, дейиш мумкин. Бу кўйидагиларда кўринади: а) шеърда чиройли, аммо юксиз ташбеҳлардан юқори кўтарилиш; б) умумжаҳон миқёсида фикрлаш билан бирга миллат дарди билан яшаш; в) шеърлари халқ дардининг ўзига хос “портловчи нуқталари”га айланиши; г) шундай жиддий масалалар билан ёниб яшаш баробарида шеърый техникада кашфиётлар қилиши, шаклий янгилинишларга уйғун бетакрор бадиий асарлар яратиши...

Р. Парфи шеърлари инсоннинг мураккаб табиати, беқарор ўзлигидан баҳс этади. Шоир шеърятимизга ҳассос руҳ, тоза туйғулар тилида сўзловчи тиниқ Дардни олиб кирди. Р. Парфи ижодида фожеий оҳанг етакчилик қилади; аксарият ҳолларда дастлабки сатрларда уч берган дарднинг юки шеър финалида янада ортади. Ҳазинлик, маъюслик Р. Парфи ижодида сифатга, фазилатга эврилди, шеърларини нурлантирувчи катта кучга айланди. “Тушунган, англаган инсон ҳамиша оғриқ, фожиа билан яшайди, – деган эди шоирнинг ўзи. – Агар таъбир жоиз бўлса, шундай айтиш мумкин – фожиа инсон билан туғилган аниқ нарса”²⁶. Хўш, шоир ижодидаги фожиавий оҳанг манбаи нима? Бизнингча, бу Р. Парфи оламни ҳис қилишининг пессимистиклиги билан боғлиқ бўлса керак. Руҳиятнинг ақл қадами етмаган зулмат қатламлари шунчалик чексизки, бу кишини беихтиёр ҳазин торттиради. Илмда “пессимизм фалсафаси” (философия пессимизма) йўналиши бор. А. Шопенҳауэр каби мутафаккирлар шу йўналишга мансуб. Адабиётда кўплаб адиблар, хусусан, Р. Парфи ижодида ҳам шу йўналишга мойилликни кўрамиз. Энг муҳими, бу йўналишни шўро давридагидек уркалтак қилиш керак эмас. Негаки, инсон табиатига некбинлик (оптимизм) қанча хос бўлса, тушкунлик (пессимизм) ҳам шунча хос ва мосдир. Буни фақат тўғри тушуниш, унинг ҳақиқатига

²⁵ Қаранг: Нозим Ҳикмат. Инсон манзаралари (Туркчадан Рауф Парфи таржимаси). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982.

²⁶ Тут гуллаган пайт. Рауф Парфи билан суҳбат // Суҳбатдош. 1999, февраль.

етиш даркор. Гап некбинлик ёки тушкунликда эмас, **бадий ҳақиқатда!** Қолаверса, шоир ижодига хос пессимизм илдизлари ижтимоий ҳаёт, замон кайфияти, маънавий таназулга учраётган миллат кайғуси билан чамбарчас боғлиқ. Ўз даврида айрим мунаққидлар Р. Парфи шеърларини “мавҳум”, “тушкун” деб танқид қилишган ва адабиётга фақат ғоявий-мафкуравий томондан ёндашиладиган давр талабидан келиб чиқиб айтилган бу танқидий мулоҳазаларнинг ҳаммасини мутлақо асоссиз деб бўлмаса-да, Р. Парфи сингари илғор фикрли шоирлар ижодида бу “мавҳумот” замирида янгиликка интилиш кайфияти, шунинг баробарида, ўзбек ва жаҳон адабиёти ижодий ютуқлари синтези турганини ҳам эътироф этмоқ лозим.

Ўтган асрнинг 90-йиллари Р. Парфи шеърларини қайта ишлаб, баъзи сўз-сатрларини ўзгартириб эълон қилди. Таҳрир қилинган шеърларни қиёсий ўрганишлар асосида шундай хулосага келдикки, кўп ўринларда бу ўзгартишлар жуда тўғри йўл тугилганини кўрсатади; бундай муваффақиятли тузатишлар шеър руҳи, моҳиятини очиб, маънони кучайтирган, шоир бадий ниятини мукамалроқ ифодалашга хизмат қилган. Ҳатто айрим ўринларда шоир ижодий эътиқоди, маслагини кескин очиқлаган. 1986 йили чоп этилган “Сабр дарахти” китобида ўқиймиз:

*Майлига, ҳайқирай имоним ҳаққи,
Кўкларга термилиб солайин уввос.
Мен фақат коммуна аталган ёрқин,
Фарҳунда замона истайман, холос*²⁷. (“Юрак” шеърдан)

Кейинчалик эса юқоридаги банд мана бундай таҳрирда берилган (ўзгартирилган сўзлар таъкидлаб кўрсатилмоқда):

*Майлига, ҳайқирай иймоним ҳаққи,
Кўкларга термулиб солайин уввос.
Мен фақат **Туркистон** аталган ёрқин
Бир бутун юртимни истайман, холос.*

